Изоҳ: Томдаги контакт ўтказгичи тагида бўлган жиҳозларни текширишда экипировка қилишда жойларжаги инструкция талабларини ҳар бир қисмини билиши лозим ва унга қатий риоя қилиш керак. Контакт ўтказгичи ажратилгандан кейин секцияли ажратгичлар ёпилади. Контакт ўтказгичга кучланиш беришдан олдин огоҳлантирувчи сигнал берилади. Қизил ёниб турган сигнал КС кучланиш мавжуд ёки ёнмастдан оловли сигналда ҳам контакт тармоғида кучланиш мавжуд бўлади.

5.3 Электровознинг юқори кучланишли камерасига кирганда хавфсизлик чоралари.

Электровознинг юқори кучланишли камерасига киришдан олдин қуйидагиларга ишонч ҳосил қилиши лозим:

1. Электровоз кўк тормози билан тўхтатилган ёки иккита тормозловчи башмак ёрдамида олдинги ғилдирак жуфтлигининг икки томонидан жойлаштирилган тўхтатилади.
2. Бош ажратгич ўчирилган ток қабул қилгич туширилган (кўриб ишонч ҳосил қилинади), ёрдамчи машиналар тўхтилади.
3. Пультанинг тугунли ажратгичлари блокировка қилинган, КУ калити ва реверсловчи кўк дасток жиҳозни назорат қилувчи ёки таъмирловчида бўлади.
4. Ток қабул қилгичлар клапанлари жумраги олдидан беркитилади.

Диэлектрик гиламга устида туриб диэлектрик қўлқопда, ЮКК эшиги ва шторини очгандан кейин текширилган ерга уланган штанга ёрдамида қолдиқ (сиғим) зарядни олади, штангани бош киришга осиб қўйинг.

Бу вақтда штанга ёрдамида фақат тортув трансформатори чиқишига эмас, балки конденсаторлар чиқишигача етади, ҳамда бошқа

					МБИ.5310700.651.6.2018	варак
						39
ўлч	варак	Хужжат №	имзо	сана		

жиҳозларга ҳам ерга улаш штанга қаергача етгунча узатилади. Эшик ва шторларни ишлар ва назорат тугамагунча ёпмасдик лозим, ундан кейин жараенни тескари кетма-кетликда давом эттирилади.

Ерга улаш штангасидан фойдаланишдан олдин, қуйидагиларга ишонч ҳосила қилиш лозим:

1. Дастак тоза, қуруқ, синиқларсиз бўлиши.
2. Контакт қўрилмаси ишга яроқли.
3. Шунт электровоз корпусига ишончли бириктирилган, эгилувчан шунтнинг жилалари узилиши 20% дан ортиқ бўлмаслиги лозим.
4. Ерга улаш штангасининг кейинги синаш вақти ўзайтирилмаслиги лозим.

Изоҳ. Гуруҳли қайта улагичда ЭКГ-8Ж ёки сервомотор билан ишлаганда қушимча ПР12 сақлагич олинади ёки F3 РЦ тақсимлаш щитида электрмотор занжирида турган бунда “Бошқариш занжири” тугунини пультада қушмаслик лозим.

5.3.1 Ток қабул қилгични кутарганда техника хавфсизлиги.

Ток қабул қилгични кутаришда киришишдан олдин, қуйидагиларга ишонч ҳоҳил қилинади:

1. Юқори кучланиш камерасида ҳеч ким йўқ, вақтинчалик касаша (перемычка) мавжуд эмас, инструмент эсдан чиқмаслик, шторлар ва эшиклар ёпиқ.
2. Бегона кишилар электровозлардан четлатилган, кузов тагида ҳеч ким йўқ, инсонлар электровоздан 1 м дан кам бўлмаган ўзоқликда булиши.
3. Ток қабул қилгич олдида ўрнатилган жумраклар, очик.
4. Машинист ердамчиси ток қабул қилгични кутариш ҳақида хабардор қилинган.
5. Ерга улаш штангаси ечиб олинган ва тойига ўрнатилган.

					МБИ.5310700.651.26.2018	варак
ўлч	варак	Хужжат №	имзо	сана		40

6. Машиналар, аппаратлар ва жиҳозлар ишга туширишга ва ишлашга тайер. Овоз билан “Ток қабул қилгични кутараман” эълон қилади, овозли сигнал беради ва ток қабул қилгични кузда тутилган схема буйича кутаради.

Кўтарилган ток қабул қилгич билан қуйидагиларга рухсат берилади:

-ЮККдан ташқари жиҳозларда 50 В гача бўлган кучланиш билан хизмат курсатилади.

-РЩ даги РН ни ростлаш.

-АК-11Б босим ростлагичини ростлаш.

-Ойнани артиш (ВЛ80° дан ташқари кронштейн билан 3-секцияда прожектор қўшиш учун) электровоз кузовини олд ва паст қисмини артиш.

-ТЦ дан штоклар чиқишини текшириш.

-Таъминотдан ажратилган занжирларни лампа ва саклагичларини алмаштириш.

-Электровоз буксаларига хизмат курсатиш.

-Электр қурилмалари ва механик қисмларни куздан кечириш (ташқи).

-Прожектор лампаларини алмаштириш.

-Кабиналар, тамбур ва йўлакларни (нам бўлмаганларни) йиғиштириш керак.

-Тормозловчи ва босим қувурлари еғ ажратгичлари ва дастак охирларини шамол ердамида тозалаш.

-Ғилдирак жуфтлари тагида қум узатилишини текшириш.

Кутарилган ток қабул қилгичда қуйидагилар тақиқланади:

-ЮККга киришга уриниш, томга чиқиш.

-Тортув моторлари ва ердамчи машиналарни куздан кечириш ва ёғлаш.

-Пультни шкафни, ЮККдан ташқари панелларни очиш.

					МБИ.5310700.651.6.2018	варақ
ўлч	варақ	Хужжат №	имзо	сана		41

- Электровознинг бошқариш занжирини прозвонка қилиш.
- Электр жиҳозларни ерга улагичларни таъмирлаш.
- Бошқариш пультадаги огоҳлантирувчи лампаларни алмаштириш.
- АВ дан ташқари, химояни теклаш.
- Химояни ажратишга уриниш.
- Нам ҳолда тозалаш ишларини амалга ошириш.

5.3.2 Электровознинг деподан чиқишида ёки киришида депо манбасидан энергия билан таъминланганда техника хавфсизлиги коидалари.

Олдиндан кўйидагилар ишонч ҳосил қилиш:

1. Электр занжири тайерланган.
2. ЮККда одамлар йўқ, шторлар ва эшиклар ёпиқ.
3. Электровозлардан бегона одамлар узоқлаштирилган, зинапояда, кузов тагида ва томда ҳеч ким йўқ, одамлар электровоздан 1 м узоқликда туради.
4. Ток қабул қилгич туширилган.
5. Электровознинг кириш эшиклари ва кабина ойналари ёпиқ.
6. Бошқариш олдинги кабинадан бошқарилади.
7. Депо дарвозаси очик ва руйхатга олинган.
8. Рухсат этилган руйхат узатилади.
9. Йўналиш маршрутида одамлар йўқ.

Маневр раҳбари сигнали буйича овозли сигнал берилади ва кириш ёки чиқиш амалга оширилади, бундан кейин депо манбасини учирисини талаб қилинади. Ҳаракат силкинишларсиз 3 км/соатгача тезлик билан амалга оширилади. Киргич бошқа ҳаракат таркибидан 2 м дан кам булмаган ораликда тухтатилади ва канавкада поғонаси автоулагичнинг юқори ўқидан 1,2 м яқинда булмаслиги, электровозни кўк тормози ёки

					МБИ.5310700.651.6.2018	варақ
ўлч	варақ	Ҳужжат №	имзо	сана		42

тормозловчи башмаклар ердамида тухтатилади, а чиққандан кейин депо манбаси кабели ажратилганини текшириш лозим.

5.4 Ҳимоя воситаларидан фойдаланиш тартиби.

1. Электр ускуналарига ҳизмат кўрсатувчи ходим ҳавфсиз иш бажарилишини таъминловчи барча ҳарур ҳимоя воситалари билан таъминланган бўлиши шарт.

Ҳимоя воситалари инвентар сифатида тақсимловчи ускуналар, электростация цехлари, электр тармоқларини тақсимловчи пунктлари ва трансформатор подстанцияларида сақланиши ёки тезкор ҳаракатдаги бригада, марказлашган таъмирлаш бригадаси, кўчма лаборатория ва ҳоказоларнинг инвентар мулкига киритилиши ҳамда шахсий фойдаланиш учун берилиши мумкин.

2. Инвентар ҳимоя воситалари ишлатишни ташкил қилиш системаси, маҳаллий шароитлар ва келтирилган комплектлаш меъёрлари асосида объектлар, тезкор чиқадиган бригадалар ва бошқалар ўртасида тақсимланади. Ҳимоя воситаларининг сақланиш жойини кўрсатган ҳолда ушбу тақсимланиш рўйхатларда қайд этилган бўлиши ва у корхона бош муҳандиси ёки туман электр тармоқлари бошлиғи томонидан тасдиқланиши керак.

3. Ҳодимларни ўз вақтида ҳимоя воситалари билан таъминлаш ва электр ускуналарини меъёрларига мувофиқ синовдан ўказилган ҳимоя воситалари билан комплектлаш, уларни тўғри сақлашни ташкил қилиш ва зарур заҳирани ҳосил қилиш, мунтазам кузатув ва синовларни ўз вақтида олиб бориш, яроқиз ҳимоя воситаларини чиқариб ташлаш ҳамда ҳимоя воситаларини ҳисобга олишни ташкил қилиш жавобгарлиги цех, ҳизмат жойи, подстанция, электр узатиш тармоқлари участкаси бошлиғи ва участка устаси зиммасига

					МБИ.5310700.651.6.2018	варак
ўлч	варак	Ҳужжат №	имзо	сана		43

бўлади, умумий корхона бўйича эса маъсулият бош муҳандистга юклатилади.

4. Алоҳида электр ускуналари учун берилган ҳимоя воситалари яроқсиз бўлиб қолганлиги аниқланган тақдирда, ушбу ускунани ишлатувчи ҳодим ҳимоя воситасини ишлатишдан дарҳол чиқариб ташланиши, 1.2.3-бандда кўрсатилган шахслардан бирига маълум қилиши ва ҳимоя воситалари қайд этиладиган журналга ёки оператив ҳужжатларга ёзиб қўйиши зарур.

5. Ҳимоя воситаларини якка ўзи ишлатиш учун олган шахслар ушбу ҳимоя воситаларини тўғри ишлатишга ва ўз вақида яроқли-яроқсизлигини аниқлашга жавоб берадилар.

5.5 Электр жихозларда ёнғин хавфсизлигини тадқиқ қилиш .

5.5.1 Электр контактларда ёнғин хавфсизлиги.

Электр занжирлардаги электротехник қурилмалар ва аппаратлар электр контактлари уларнинг ажралмас қисми ҳисобланади, уларни тўғри ишлаши, фақат тармоқнинг нормал ишлашини эмас, ёнғин хавфсизлиги ҳолатини ҳам белгилайди. Ёнғинга электр контактларнинг қизиши сабаб бўлиши мумкин, контактловчи элементлар орасидаги ўтиш жараёни қаршилиги билан изохланиши мумкин. Ўтиш қаршилигининг юзага келишини физик моҳиятини қуриб чиқамиз. Маълумки, ҳар қандай қаттиқ материалнинг юзаси, агар у яхшилаб қайта ишланган, шлифовка қилинган, полировка қилинган бўлса ҳам ҳеч қачон идеал силлиқ бўлмайди. Ғадир будирликларнинг мавжудлиги, шунга олиб келадикки, унда бир бирига текиш юзаси контактларнинг бир бирига тортиш кучига, температурага, тегадиган юзаларнинг геометрик формасига ва бошқаларга боғлиқ бўлади.

					МБИ.5310700.651.6.2018	варақ
ўлч	варақ	Ҳужжат №	имзо	сана		44

Электр контактларнинг ўтиш қаршилиги қуйидаги ифода билан аниқланади.

$$R_n = \rho \sqrt{\pi} \cdot Q / (f \cdot K)$$

Бунда ρ – солиштирма электр қаршилик,

Q – эзилишдаги чегаравий мустаҳкамлик, Па;

f - контактларнинг сиқиш кучи, Н;

K – пропорционаллик коэффициентини.

Бу боғлиқлик фақат бир нуқтали контактларнинг бир бирига тегиши бир неча нуқталарда бўлади, у холда

$$R_n = \rho \sqrt{\pi} \cdot Q / 2 \sqrt{F}$$

Бу ерда F – контактлардаги тўлиқ босим, Н.

Контактларнинг окисления бўлишида ўтиш қаршилиги ортади. Бу шу билан тушинтириладики, оксидловчи плёнкалар жуда катта солиштирма электр қаршиликга эга бўлади. Электр контактларнинг қисқа вақтда контакт орқали ўтадиган электр токидаги шу ҳолати осциллограмма ёрдамида баҳоланиши ҳам мумкин. (5.1 – расм)

Осциллограммада учта нуқта бўлиши мумкин. АВ участкада I ток ва контактлардаги кучланишнинг пасайиши ΔU_n ортади. Контактларнинг қизиши бошланади, унда иссиқлик қуввати ажралади

$$R_n = i \cdot \Delta U_n$$

ВС участкада ток ўсиб боради, кучланишнинг пасайиши эса ўзгармасдан қолади. С нуқтада ток максимал қийматига эришилади. Агар контактларнинг пайвандланиши амалга ошса, у холда ундан кейин тугалланиши контактларнинг совуши билан тугалланади.

Контактлар бирикишида ажраладиган иссиқлик миқдори унинг контактловчи элементлари конструкцияси ва ҳолатига, ишончилиги ва контактлар бириктирилганлигининг мустаҳкамлигига боғлиқ бўлади. Контакт боғланишида иссиқликнинг интенсив ажралиши изоляциянинг ва прастмассадан ясалган деталларнинг қизишига олиб келади уларнинг

					МБИ.5310700.651.6.2018	варак
ўлч	варак	Хужжат №	имзо	сана		45

ўзи аланга олиш температурасига етганда эса аланга олишига олиб келади.


Контакт бирикмаларининг қизишдан ҳосил бўладиган ёнғин ва куйишларнинг олдини олиш учун контактлардаги кучланишнинг пасайишини регламентациясига (кетма кетлигига) эришиш лозим.

Жадвалда ўтказгичларнинг контакт бирикмаларида рухсат этилган кучланишнинг тушиши келтирилган.

5.2 – жадвал

Электр қурилма материаллари контактларида рухсат этилган кучланишнинг пасайишининг номинал токка боғланиши.

Материалда ўрнатилган номинал ток, А	Бириктирувчи мис ўтказгич юзаси мм ²	Бириктирувчи алюмин ўтказгич юзаси, мм ²	Контакт бирикмаларида рухсат этилган кучланиш пасайиши, мВ
1	0.5	-	-
2.5	0.5	2.5	2
6	0.5	2.5	2.5
10	1	2.5	4.1
25	4	6	7



5.1 – расм. Мис контактларда кучланиш тушиши ва токнинг вақтга боғланиш графиги.

Амалиётда бириктирувчи қурилмаларда ва контакт бирикмаларда (резеткаларда шитларда ва бошқа) алюмин ўтказгичлар билан ўтиш қаршилигини оширилганлиги кузатилади у алюмин ўтказгичлар

юзасидаги оксидловчи пленка қалинлигининг ортиши хисобига кучланишнинг пасайишини ортишига олиб келади.

Ўтиш қаршилигининг ортиши яна уваланиши ҳам сабаб бўлади, унинг натижасида контакт бирикмаларнинг ишончлиги ва мустаҳкамлиги пасаяди. Контакт бирикмаларида ўтиш қаршилигининг ортиб келишини олдини олиш учун контакт қисмаларида доимий кучни таъминлаб турувчи контакат тизимидан фойдаланиш лозим. Ўтиш қаршилигининг ортиши яна уваланиши ҳам сабаб бўлади, унинг натижасида контакт бирикмаларнинг ишончлиги ва мустаҳкамлиги пасаяди. Контакт бирикмаларида ўтиш қаршилигининг ортиб келишини олдини олиш учун контакт қисмаларида доимий кучни таъминлаб турувчи контакат тизимидан фойдаланиш лозим.

5.5.2 Ток ўтказувчи қисмлар яқинида жойлашган ферромагнит конструкцияларда ёнғин хавфсизлиги.

Ток ўтказувчи қисмлар яқинида жойлашган ферромагнит конструкцияларда ток ўтказувчи қисмларда ўзгарувчан магнит майдон ҳосил қиладиган юза эффекти ходисаси сабабли қизиши мумкин. Ферромагнит конструкцияларнинг қизиш интенсивлиги гистеризислардаги йўқотишлар ва уярма тоқларга боғлиқ бўлади. Л.Р.Неймон ферромагнит юзадаги гистеризис ва уярма тоқлардаги қувват исрофи юза эффектининг тезда юзага келишини қуйидаги ифода билан аниқланади.

$$\frac{dP}{dF} \approx H_e^2 \sqrt{\frac{\omega \mu_e}{\rho}}$$

Бунда H_e – юзадаги магнит майдони кучланганлиги ташкил этувчисининг маълум нуқтадаги таъсир этувчи уринма қиймати;
 ω -бурчак частотаси;

					МБИ.5310700.651.6.2018	варақ
Ўлч	варақ	Хужжат №	имзо	сана		47

Алцамен ўтказгичларида қисқа туташда ҳосил бўладиган алюмин қисмларида, қонунга биноан эриб кетади. Эриб кетишининг сабаби – қиздирилган алюминийнинг интенсив температура ажралиши билан юзага келадиган оксидланиш реакциясидир.

Ёнувчи материалларнинг ёниш механизми металнинг эриб кетишидан ва қизиган симидан юзага келишини қуйидагича тушунтириш мумкин;

Ёнувчи материалга тушган сими унга иссиқлик узатувчанлигига асосан ўзининг иссиқлик энергиясини беради, у қисм юзаси билан тегадиган материалнинг ёнишига сабаб бўлади.

Ажраладиган ёқилғи парлари, агар улар аланга олиш температураси қисмининг қизиш температурасидан паст бўлса эриб кетади. Эригандан кейин ёниш хусусиятини сақлаб қолувчи ажралиб чиқаётган иссиқлик миқдори жараённи сақлаб қолишга етарли бўлса. Тескари ҳолатда жараённи у ёки бу тезлик билан учишга олиб келади. Умумий ҳолда бу қисмда еғилган энергия миқдorigа унинг температурасига ва ёнувчи материал табиатига боғлиқ бўлади. Авария режимларида юзага келадиган учқундан ёниш хавфи, пайвандлашда электр занжирлари коммутациясида электр машиналар коллектор қурилмаларида ўн ва юз марталаб ганж газ хаво аралашмасининг аланга олиш хавфи билан боғлиқ бўлади.

Улар яна учқуннинг турига ҳам боғлиқ бўлади. Учқунлар сиғими, индуктивлик, ва сиғим индуктивликлари мавжуд. Уларнинг бир хилда аланга олмаслигининг сабаби уларнинг ҳар хил тезликда электр занжирларида ажраладиган йиғилган энергия узатиш билан боғлиқ.

Энг ёнғинга хавфли – сиғимли учқунларда мазкур ёнувчи аралашма аланга олиши учун у қандайдир минимал аланга олиш энергиясидан кам бўлмаган иссиқлик энергияси захирасига эга бўлиши

					МБИ.5310700.651.6.2018	варақ
ўлч	варақ	Хужжат №	имзо	сана		49

лозим. Газни парини ёки мазкур ёнғинни хаво билан аралашмасини ёниши учун зарур минимал энергия – бу конденсаторда йиғилган энг катта энергиядир, унинг хаво оралиғида зарядсизланиши натижасида энг тез аланга оладиган мазкур аралашманинг хаво билан истеъмолга асосан 0.01га тенг оралиқда учкун юзага келади.

5.5.4 Бино ва хоналардан одамларни эвакуация қилиш.

Ёнғин чиққан ҳоллар учун корхонанинг бино ва иншоотларида ишлаётган одамларни хавфсиз ҳамда тўлиқ эвакуация қилиш имконияти тامينланган бўлиши зарур. Шу мақсадда эвакуациои чиқиш йўллари лойиҳаланади. Бинода камида икки эвакуацион чиқиш йўли бўлиши лозим. Қуйидаги йўллар эвакуацион чиқиш йўллари ҳисобланади:

а) биринчи қаватдаги хоналардан ташқарига бевосита ёки коридор, вестибюль, зина катаги орқали олиб чиқадиган йўллар;

б) биринчи қаватдан ташқари исталган қаватдаги хоналардан коридорга ёки зина катагига олиб борадиган ёхуд ташқарига бевосита ё вестибюль орқали чиқиш йўли бўлган, туташ коридорлардан эшикли пардеворлар билан ажратилган зина катагига олиб чиқадиган йўллар;

в) мазкур қаватдаги хонадан «а», «б» пунктларда кўрсатилган чиқиш йўллари бўлган, ўша қаватдаги хоналарга олиб чиқадиган йўллар. Бунда эвакуация йўлларини ҳисоблашда лифтлар, эскалаторлар ва одамлар ҳаракатланадиган бошқа механик воситалар ҳисобга олинмайди.

Эвакуацион чиқиш йўлларининг солиштирма ўтказиш қобилияти 167 киши/мин ни ташкил этади.

Жами кенглик

$$\delta = N/167$$

бу ерда N — эвакуация қилинадиганларнинг ҳисобий сони

					МБИ.5310700.651.6.2018	варақ
ўлч	варақ	Хужжат №	имзо	сана		50

Эвакуацион чиқиш йўллари камида иккита бўлиши керак. Одамларни муваффақиятли равишда эвакуация қилиш учун зина катаклари тутун тўпланмайдиган, сунъий ёритилмайдиган, эшиклар бинодан чиқиш томонга очиладиган бўлиши лозим. Утга чидамлилиги I ва II даражали биноларда эвакуация йўлларининг конструкциялари ёнмайдиган материаллардан ўтга чидамлилиги III ва IV даражали биноларда қийин ёнадиган материаллардан, V даражали биноларда эса ёнадиган материаллардан ишланади. Мажбуран эвакуация қилиш шароитларида одамларнинг тартибли равишда ҳаракатланишини таъминлаш мақсадида, одатда, жамоат бинолари (театр, касалхона, болалар борғчалари, мактаб) ва ҳ. к. учун эвакуация плани ишлаб чиқилади. План график ва текст қисмдан иборат бўлади.

Одамлар энг кўп бўладиган қаватдаги (биринчи қаватдан ташқари) зина катакларининг жами кенглиги, шунингдек, ҳамма қаватлардаги эвакуация йўлларидаги эшиклар, коридорлар ва бошқа йўлларнинг кенглиги 100 киши учун камида 0,6 м ҳисобида олиниши керак. Зина маршлари, коридорлар ёки йўлакларнинг минимал кенглиги бинонинг вазифасига қараб (лекин камида 0,6 м қилиб) лойиҳаланади. Зина маршлари орасида камида 5 см зазор қолдирилиши лозим.

Эвакуация эшикларининг минимал эни 0,8 м бўлиши зарур. Эвакуация йўлларидаги эшиклар ва йўлакларнинг баландлиги 2 м дан паст бўлмаслиги керак.

Зина майдончасишг эни зина марши энидан кам бўлмаслиги даркор. Икки тавақали эшикли лифтларга кириш йўллари олдидаги зина майдончаларининг эни камида 1,6 м бўлиши керак.

Эвакуация йўлларида винтсимон зиналар, бўсағалар ва бошқа юришга ҳалақит берадиган тўсиқлар қуришга рухсат этилмайди. Бинода эвакуацион чиқиш йўллари тарқоқ ҳолда жойлаштирилиши лозим.

						МБИ.5310700.651.6.2018	варақ
ўлч	варақ	Хужжат №	имзо	сана			51

Эвакуация йўлларидаги эшиклар бинодан чиқиш йўналишида очиладиган бўлиши лозим.

Эвакуация учун мўлжалланган балкон ҳамда майдончага чиқиладиган эшикларни, кўпи билан 15 кишига мўлжалланган хоналардан чиқиш эшикларини, шунингдек сахни 200м² дан ошмайдиган омборхоналар ва санитария узелларидан чиқиш эшикларини ичкарига очиладиган қилиб лойиҳалашга рухсат этилади. Эвакуация йўлларида сурилма ва кўтарма эшиклар қуришга йўл қўйилмайди. Эшиклар сонини белгилашда айланадиган эшиклар ҳисобга олинмайди.

А, Б, Е категориядаги ишлаб чиқаришлар учун мўлжалланган хоналардан, шунингдек ўтга чидамлилиги IV ва V даражали хоналардан чиқиш эшикларини лойиҳалашга рухсат этилмайди.

Подвал ва цоколь қаватларида жойлаштирилладиган хоналардан чиқиш йўллари умумий зина катаклари орқали қуришга йўл қўйилади, лекин бунинг учун мазкур хоналарда ёнадиган материаллар сақланадиган омборлар бўлмаслиги шарт. Бундай хоналар учун ташқарига чиқиш йўллари қурилиб, улар зина катагининг қолган қисмидан ўтга чидамлилик чегараси камида 1 соат бўлган ёнмайдиган берк тўсиқ конструкциялар билан ажратиб қўйилади.

Подвал ёки цоколь қаватида жойлашган 300 м² ли хоналарда битта чиқиш йўли қуришга рухсат этилади. Бундай қаватларда 15 дан ортиқ одамлар ишлайдиган бўлса, иккинчи чиқиш йўли сифатида вертикал нарвонли люклардан, шунингдек, 0,75x1,5 м дан кичик бўлмаган деразалардан фойдаланиш мумкин. Лекин бунинг учун деразадан чиқишни осонлаштирадиган мосламалар ўрнатилиши шарт. Люк қопқоқлариинг ўтга чидамлилик чегараси 0,75 соатдан кам бўлмаслиги зарур.

					МБИ.5310700.651.6.2018	варақ
ўлч	варақ	Хужжат №	имзо	сана		52

Подвалларда эвакуацион чиқиш йўллари Г ва Д категориядаги ишлаб чиқаришлар жойлаштирилган биринчи қаватдаги хоналарга чиқиладиган қилиб лойиҳалашга рухсат этилади.

А, Б, Е категориядаги ишлаб чиқаришлар жойлашган, полининг юзи 110 м^2 дан ошмайдиган, ишловчилар сони 5 кишидан кўп бўлмаган, исталган қаватда жойлашган хоналардан, В категориядаги ишлаб чиқариш жойлаштирилган, полининг юзи 300 м^2 дан ошмайдиган, ишловчилар сони 25 кишидан кўп бўлмаган хоналардан, Г ва Д категориядаги ишлаб чиқаришлар жойлаштирилган, полининг юзи 600 м^2 дан ошмайдиган, ишловчилар сони 50 кишидан кўп бўлмаган хоналардан эвакуацион йўллarga чиқиладиган биттадан эшик лойиҳалашга йўл қўйилади. Д категориядаги ишлаб чиқаришлар жойлаштирилган, полининг юзи 300 м^2 дан ошмайдиган, ишловчилар сони 5 кишидан кўп бўлмаган, биринчи қаватдан ташқари исталган қаватдаги хоналардаи эвакуацион чиқиш йўли сифатида қиялиги 1 : 1 дан ошмайдиган, эни камида 0,7 м бўлган пўлат зинага чиқиш эшигидан фойдаланиш мумкин.

Биринчи қаватдан ташқари исталган қаватдаги хоналарда эвакуацион чиқиш йўллари сифатида қиялиги 1:1 дан ошмайдиган, эни камида 0,7 м бўлган ташқи зиналардан фойдаланиш мумкин. Бу хоналарда ҳар бир қаватда ишловчилар сони 15 кишидан (А, Б, Е категориядаги ишлаб чиқаришлар жойлашган биноларда) ёки 50 кишидан (В категориядаги ишлаб чиқаришлар жойлашган биноларда) ёхуд 100 кишидан (Г, Д категориядаги ишлаб чиқаришлар жойлашган биноларда) ошмаслиги керак. Галереялар, этажеркалар, майдончалар ва антресолларда камида иккитадан очик пўлат зиналар (қиялиги кўпи билан 1:1 эни камида 0,7 м) лойиҳаланиши зарур. А, Б, Е категориядаги ишлаб чиқаришлар жойлашган хоналар учун полининг юзи 110 м^2 дан.

					МБИ.5310700.651.6.2018	варақ
ўлч	варақ	Хужжат №	имзо	сана		53

В, Г, Д категориядаги ишлаб чиқаришлар жойлашган хоналар учун эса 400 м² дан ошмайдиган этажерка, галерея ёки антресолнинг ҳар бир ярусига биттадан зина лойиҳалашга рухсат этилади.

Бино ичида жойлашган галереялар, этажеркалар, майдончалар ва антресоллардан ташқи пўлат зиналарга эвакуацион чиқиш йўллари лойиҳалаш мумкин.

Энг узокда жойлашган иш ўрнидан энг яқин эвакуацион чиқиш йўлигача бўлган масофа XVI.6-жадвалга мувофиқ олиниши лозим.

Кўп қаватли бинони биринчи қаватида эвакуацион чиқиш йўлигача бўлган масофани бир қаватли бинодагидек қилиб олишга йўл қўйилади.

В категориядаги ишлаб чиқаришлар жойлаштириладиган, ўтга чидамлилиги I ва II даражали кўп қаватли биноларда XXVI 1-жадвалда кўрсатилган масофаларга риоя қилиб бўлмаса, эвакуацион чиқиш йўллари бино, периметри бўйлаб камида ҳар 72 м оралатиб жойлаштирилиши лозим. Энг кўп одам ишлайдиган сменада хона полининг юзи бир ишловчига камида 75 м² дан тўғри келадиган бўлса, XXVI.2- жадвалда кўрсатилган масофаларни 50% узайтириш мумкин.

Ички очик зина бўйича эвакуацион чиқиш йўлининг ҳисобий узунлиги шу зина баландлигидан уч марта катта қилиб олиниши зарур.

XXVI. 1-жадвал. Энг узокдаги иш ўрнидан хонадан ташқарига ёки ташқи зинага олиб чиқадиган энг яқин чиқиш йўлигача бўлган масофа

Хонанинг ҳажми, минг м ³	Ишлар чиқариш категорияси	Бинонинг ўтга чидамlilik даражаси	Умумий йўлаклар одамлар оқимининг эволюцияси бўлганда (кичи масофанинг узунлиги, м)		
			I гача	1—3 дан кўп	3—5 дан кўп
15	A, B, E, B	I, II I, II, III IV V	40 100 70 50	25 60 40 30	15 40 30 20
30	A, B, E, B	I, II, I, II, III IV	60 160 95 ПО	35 65 65	25 65 45
40	A, B, E, B	I, II, I, II, III- IV	80 160 ПО	50 95 65	35 65 45
50	A, B, E, B	I, II I, II, III	120 200	70 120	50 85
60 ва ундан катта	A, B, E	I, II I, II, III	140 240	85 140	60 100
Хаядан катти нйзар	Г ва Д	I, II, III IV V	160 120	95 70	65 50

Одатда, коридордан камида иккита эвакуацион чиқиш йўли лойиҳаланиши керак. Охири берк коридорга чиқиш йўли бўлган хона учуй шу хона девори билан ташқарига, вестибюлга ёки зина катагига чиқиладиган энг яқин чиқиш йўл орасидаги масофа кўпи билан 25 м қилиб олиниши лозим. Утга чидамлилиги I даражали бинолар коридорларидаги пардеворлар ёнмайдиган, ўтга чидамлилик чегараси камида 0,5 соат, ўтга чидамлилиги II, III, IV даражали биноларда эса ёнмайдиган ёки қийин ёнадиган, ўтга чидамлилик чегараси камида 0,25 соат бўлиши даркор. Г, Д категориядаги ишлаб чиқаришлар жойлаштириладиган, ўтга чидамлилиги II даражали биноларда коридорларни ойнаванд пардеворлар билан тўсишга рухсат этилади.

А, Б, Е категориядаги ишлаб чиқаришлар жойлаштириладиган хоналардан эвакуация қилиш тонеллари, одатда, кўпи билан 120 м узунликда лойиҳаланиши лозим.

					МБИ.5310700.651.6.2018	варак
ўлч	варак	Хужжат №	имзо	сана		55

Чордогининг баландлиги карнизгача бўлган ёки томининг панжараси

XXVI-2-жа д.в.а.д. Йўлаклар, коридорлар, эшикларнинг, зина маршлари ва майдончаларининг эни

Номи	Эни, м	
	эш. кичик	эш. катта
Йўлак	1	Хисоблаб топилади
Коридор	1,4	Шунинг ўзи
Эшик	0,8	2,4
Марш	1 05	2,4
Зина майдончаси	1,05, аммо марш энидан кам эмас	Хисоблаб топилади

10 м дан ошадиган биноларда бинонинг четки ёнмайдиган зиналаридан чордоққа кириш жойида майдончалари бўлган ёнмайдиган нарвонлар билан чордоққа чиқиладиган иккита чиқиш йўли кўзда тутилиши керак. Чордоқларга кириш эшикларининг ўтга чидамлияик чегараси 0,75 соатдан кам бўлмаслиги зарур. Беш қаватгача баландликдаги биноларда зина катакларидан чордоқларга кириш йўллари маҳкамланган металл нарвонлар бўйлаб люклар орқали қуришга рухсат этилади. Люклар тешиклари чегараси камида 0,75 соат бўлган қопқоқлар билан беркитилиши керак. Люкларнинг ўлчамлари 0,6x0,8 м дан кичик бўлмаслиги лозим.

Ёпмали уч қаватли ва ундан баланд биноларда зина катакларидан томга чиқиш йўллари кўзда тутилган бўлиши даркор (ёпманинг ҳар тўлиқ ёки тўлиқмас 1000 м² юзига биттадан чиқиш жойи ҳисобида). Сейсмик зоналарда томга чиқиш йўлидаги тўсиқ конструкцияларнинг ўтга чидамлик даражаси 0,75 соатдан кам бўлмаслиги керак. Чордоқларни ёритиш ва шамоллатиш, шунингдек, томга чиқиш дарчалари ҳар бир чордоқда ёки чордоқнинг ёнфинга қарши девор билан ажратилган ҳар қайси қисмида кўзда тутилиши лозим. Бундай дарчаларнинг очиладиган тавақалари 0,6x0,8 м дай кичик бўлмаслиги зарур.

Йўлаклар, коридорлар, эшикларнинг, зина маршлари ва майдончаларининг эни XXVI.2- жадвалга мувофиқ олиниши керак.

Битта иш ўрни бўлган йўлакларнинг, шунингдек, галереялар, этажеркалар, майдончалар ва ҳоказоларга ўрнатиладиган зиналарнинг энини 40,7 м гача, подвалларга тушиладиган ҳамда чордоқларга чиқиладиган зина маршлари ва майдончалари энини ҳамда кўпи билан 50 кишини эвакуация қилишга мўлжалланган зиналар энини 0,9 м гача камайтиришга рухсат этилади.

Эвакуацияга мўлжалланган зина катаклари ён томондан табиий ёритиладиган бўлиши керак. Зина катакларидида иш хоналари, омборхоналар ва бошқа хоналар, саноат газ трубалари, осон алангаланадиган ҳамда ёнувчи суюқликлар трубалари, очик ўтказилган кабеллар, шахталардан юк кўтаргичлар чиқиш жойлари, шунингдек, зинапоялар ҳамда зина майдончалари сиртидан 2 м гача баландда девор юзасидан чиқиб турадиган жиҳозлар бўлмаслиги зарур. Зина катакларининг ички деворларига эшик ўрнидан бошқа ўйиқ очишга рухсат этилмайди. Зина катаги билан вестибюль орасида ючиқ ўйиқ қуришга йўл қўйилади. Хона ва қоридорлардан зина катакларига чиқиш эшиклари очилганда эвакуация йўллариининг ҳисобий энини камайтирмайдиган булиши керак. Биринчи, цоколь ёки подвал қаватларининг маршлари тагидаги зина катакларидида марказий иситиш системасини бошқариш узелларини, сув ўлчаш узеллари ва электр киритиш — тақсимлаш қурилмаларини жойлаштириш мумкин.

Г, Д, Е категориядаги ишлаб чиқаришлар жойлаштириладиган хоналарни ажратиб турадиган зина катаклари эшикларини ёнадиган материаллардан (лекин ойнасиз) яшашга, А, Б, В категориядаги ишлаб чиқаришлар жойлаштириладиган хоналарни бирлаштирадиган зина катаклари эшикларини эса ўтга чидамлилиқ чегараси камида 0,6 соат

					МБИ.5310700.651.6.2018	варақ
ўлч	варақ	Хужжат №	имзо	сана		57

бўладиган қилиб ясашга рухсат этилади. Вестибюль деворлари ва ораёпмалари ўтга чидамлилиқ даражаси 0,75 соатдан кам бўлмаган ёнмайдиган материаллардан қуриладиган бўлса, ўтга чидамлилиги I ва II даражали биноларда вестибюллардан , иккинчи қаватгача чиқиш зиналарини очиқ (зина катакларисиз) қуришга йўл қўйилади. Бунда вестибюль хонаси коридорлардан эшик қурилган пардеворлар билан ажратилиши лозим. В, Г, Д категориядаги ишлаб чиқаришлар жойлаштириладиган, ўтга чидамлилиги I ва II даражали биноларда жами зина катакларининг 50% ини табиий ёритилмайдиган қилиб лойиҳалаш мумкин. Лекин бунинг учун камида иккита зина катагида ташқи деворлар ва ташқарига бевосита ёки вестибюль орқали чиқиладиган йўллар бўлиши шарт.

Табиий ёритилмайдиган зина катакларидан иш ёритишлар ва автоматик ўчадиган авариявий ёритишлар, ёпмаларда эса тутун чиқиб кетиши учун юзи 1 м² дан кичик бўлмаган люклар кўзда тутилиши керак.

Ёрдамчи бинолар ва санитария-маиший хоналардан (шунингдек, қўшимча хоналардан) эвакуацион чиқиш йўллари камида иккита бўлиши лозим. Ишловчиларга хизмат кўрсатиш хоналари ва жамоат ташкилотлари жойлаштирилган қўшимча хоналар учун кўрсатиб ўтилган иккита эшикка қўшимча равишда эвакуацион чиқиш жойлари сифатида Г ва Д категорияли ишлаб чиқариш жойлаштирилган хоналар орқали чиқиш йўллари лойиҳалашга йўл қўйилади. Бундай ҳолларда қўшимча чиқиш йўллари қўшимча хоналарнинг ҳар икки томонида жойлаштирилади, қўшимча чиқиш йўллариининг зина катакларидан 2 кгк/м² ҳаво босими бўлиши кўзда тутилиши керак, бу ҳаво босимини (битта эшик “очиқ турганида”) ёйғин чиққанида автоматик ишга тушадиган вентиляторлар ҳосил қилади.

					МБИ.5310700.651.6.2018	варақ
ўлч	варақ	Хужжат №	имзо	сана		58

Утга чидамлилиги II даражали икки қаватли биноларда битта қаватда (биринчи қаватдан ташқари) ишловчилар сони 70 киши, III даражали икки қаватли биноларда — 50 киши, IV ва V даражали икки қаватли биноларда — 30 киши, уч қаватли биноларда — 35 киши, уч қаватдан баланд биноларда — 15 киши бўлганда иккинчи ва ундан юқори қаватларда иккинчи эвакуацион чиқиш йули сифатида ташқи очик пўлат зиналар лойиҳалашга рухсат этилади. Исталган қаватда жойлашгаи, бир йўла кўпи билан 50 киши бўладиган ёрдамчи хоналарда эвакуацион чиқиш йўлларига олиб борадиган битта эшик қуришга йўл қўйилади.

Ёрдамчи хоналар (душхоналар, хожатхоналар, ювиниш хоналари ва чекиш хоналари бундан мустасно) эшикларидан энг яқин ташқарига чиқиш йўлигача ёки энг яқин зина катагигача бўлган энг катта масофа XXVI.3-жадвалда кўрсатилганларга мос бўлиши лозим.

XXVI.3-жадвал. Эвакуацион чиқиш йўлларигача бўлган энг катта масофа

Бинонинг ўтга чидамлик даражаси	Зина катаклари ёки ташқарига чиқиш йўллари ора-сида жойлашган хоналар эшикларгача бўлган масофа	Охири берк коридорга чиқиб йўл бўлган хоналар эшикларгача бўлган масофа
II	50	25
III	30	15
IV	25	12
V	20	10

Ёрдамчи хоналардан эвакуация қилинадиган одамлар сони қуйидагича қабул қилиниши керак: санитария-маиший хоналарда — энг кўп одам ишлайдиган сменада ишловчиларнинг 50% миқдориди; ошхоналар, мажлислар ўтказиладиган залларда — заллардаги ўринлар сони плюс 25% миқдорда; бошқарма, конструкторлик бюрolari, машғулотлар ўтказиладиган хоналар ва жамоат ташкилотлари хоналарида — шу хоналардаги иш ўринлари ва ўқув ўринлари сонига тенг миқдорда.

Фойдаланилган адабиётлар

1. Мирзиёев, Шавкат Миромонович. Эркин ва фаровон, демократик ўзбекистон давлатини биргаликда барпо этамиз. Ўзбекистон Республикаси Президенти лавозимиغا киришиш тантанали маросимиغا бағишланган Олий Мажлис палаталарининг қўшма мажлисидаги нутқ

2. Мирзиёев, Шавкат Миромонович. 2017–2021 йилларда Ўзбекистонни ривожлантириш ҳаракатлар стратегиясининг бешта устувор йўналиши.

3. Бердиев У.Т. и др. «Технологические процессы технического обслуживания и текущего ремонта электровозов серии «Узбекистон»» ТашИИТ, 2012 г.

4. Инструкция по эксплуатации и обслуживания Электровозов серии «Узбекистон –йуловчи»» КНР, Чжучжоуский электровозостроительная компания, 2010 г.

5. Аранчий Г.В., Жемеров Г.Г., Эпштейн И.И. Тиристорные преобразователи частоты для регулируемых электроприводов – М.: Энергия, 1968-128с.

6. Тиристорные преобразователи частоты в электроприводе А.Я.Бернштейн, Ю.М. Гусяцкий и др.-М.: Энергия, 1080-328с.

7. Кадыров А.А., Усманходжаев Н.М. Частотное управление трехфазного асинхронного двигателя работающего в режиме однофазного конденсаторного -Ташкент, Фан, 1986-106с.

8. Правила технической эксплуатации электрических станций и сетей. Энергоатомиздат, 1989 й.

9. “Охрана труда” Луковников

					МБИ.5310700.651.6.2018	варак
ўлч	варак	Хужжат №	имзо	сана		60

10. Плакс А.В. Система управления электрического подвижного состава. М.2005-360 с. 4. Бабков Ю.В. и др. Автоматизация локомотивов. М. 2007-323 с.

11. Савоськин А.Н. Автоматизация электроподвижного состава. М., Транспорт: 1990- 346 с.

12. Захарченко Д.Д. Автоматизация электрического подвижного состава. М., Транспорт: 1988- 279 с

13. Южаков Б.Г. «Электрический привод и преобразователи подвижного состава», М-2007 г.

14.М. Н. Новиков, В. И. Мельников «Расчет асинхронного двигателя с короткозамкнутым ротором», СПб., 2001 г.

15. Под редакцией д.т.н. проф. Н. А. Ротанова «Электроподвижной состав с асинхронными тяговыми двигателями», М. «Транспорт» 1991 г.

16.Бурков А.Т. «Электронная техника и преобразователи», М. «Транспорт» 1999 г.

					МБИ.5310700.651.6.2018	варак
ўлч	варак	Хужжат №	имзо	сана		61